

## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1439-ҳадис

1439/3531 – عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: اسْتَأْذَنَ حَسَّانُ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي هِجَاءِ الْمُشْرِكِينَ، قَالَ: كَيْفَ بِنَسَبِي؟ فَقَالَ: حَسَّانُ: لِأَسْلَمْنَاكَ مِنْهُمْ كَمَا تُسَلُّ الشَّعْرَةَ مِنَ الْعَجِينِ.

1439.3531. Ҳишом отасидан ривоят қилади:

«Оиша розияллоҳу анҳо бундай деди: «Ҳассон мушрикларни ҳажв қилиш учун Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан изн сўради. Шунда у зот: **«Менинг насабим нима бўлади?»** дедилар. Шунда Ҳассон: «Мен сизни уларнинг ичидан хамирдан қил суғургандек суғуриб оламан», деди».

Оишанинг ҳузурда Ҳассонни сўқмоқчи бўлган эдим, у: «Уни сўқма, чунки у Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳимоя қилар эди», деди».

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI